

IN UZBEK LINGUISTICS OF DISCOURSE STUDY

Babaeva Gulnoza Latijonovna,
Andijan Mechanical Engineering Institute,
Assistant of the Department of Uzbek Language and Literature,
boboyevagulnoza6@gmail.com

ANNOTATION

In this article, the emergence of discourse theory in Uzbek linguistics, the pragmatic approach of Uzbek linguists to the concept of discourse, and the way in which they substantiated various aspects of discourse in their research were studied.

Keywords: Discourse, pragmalinguistics, hyperonym, hyponym, discursive analysis.

ДИСКУРСНИНГ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ.

Бабаева Гулноза Латижоновна,
Андижон машинасозлик институти,
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси асистенти,
boboyevagulnoza6@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дискурс назариясининг ўзбек тилшунослигига пайдо бўлиши, ўзбек тилшуносларининг дискурс тушунчасига нисбатан прагматик ёндашуви ҳамда дискурснинг турли қирраларини тадқиқотларида асослаб беришганини кўриш орқали ўрганилди.

Жалит сўзлар: ДИСКУРС, Прагмалингвистика, гипероним, гипоним, дискурсив тахлил.
Юқорида кўриб ўтилганидек, замонавий лингвистика йўналишларидан ҳисобланган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий масалаларидан бири дискурсdir. Бу тушунчага берилган таърифлар кўп бўлиб, ягона таъриф мавжуд эмас.
“ДИСКУРС” ЛОТИНЧА “ДИССУРСУС” – “МУҲОКАМА” Сўзидан олинган бўлиб, ҳиссий, БЕВОСИТА, ИНТУИТИВ, ЯЪНИ МУҲОКАМАЛАБ БИЛИМДАН ФАРҚЛИ ЎЛАРОҚ, МУҲОКАМА ОРҚАЛИ ВОСИТА БИЛАН ҳосил қилинадиган мантиқий далил – исботли билим ДЕМАКДИР 1. ДИСКУРС тушунчаси лингвистик АТАМА СИФАТИДА ЎТГАН АСРНИНГ ЎРТАЛАРИДА ТИЛШУНОСЛИККА КИРИВ КЕЛДИ. ТИЛШУНОСЛИКДА УДАСТЛАБ ГАП ЁКИ НУТҚДА БОҒЛАНГАН ВА КЕЛИШИЛГАН ОҚИБАТ СИФАТИДА ТУШУНИЛГАН Бўлса, ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИКАДА МУРАККАБ КОММУНИКАТИВ ҲОДИСА СИФАТИДА ИЗОҲЛАНМОҚДА.
Замонавий ўзбек тилшунослигига ҳам дискурс, унинг моҳияти, ўрни борасида тадқиқотлар амалга оширилган ва бу жараён давом этмоқда. Жумладан, Ш.Сафаров, Д.Ашуррова, Б.Йўлдошев, А.Пардаев, Л.Раупова, Н.Нормуродова, Г.Одилова қаби олимлар прагматик тилшунослиқда дискурснинг турли қирраларини тадқиқотларида асослаб

¹ АБДУЛЛАЕВА М., АБДУРАШИДОВ М., АБИЛОВ У. ФАЛСАФА ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУФАТ. – Тошкент: ШАРҚ, 2004. – Б. 126.

беришган². Олим Н.Турниёзов синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир³ батафсил тўхталиб ўтган. У дискурс аксарият ҳолларда икки ва ундан ортиқ гапларнинг, мураккаб синтактик қурилмаларнинг ўзаро боғланишидан ташкил топишини таъкидлайди.

Ш.Сафаров “Прагмалингвистика”⁴ китобида Е.С.Кубрякованинг “тилшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти даврида дискурснинг умумий қабул қилинган бирор бир таърифи мавжуд әмас” (Кубрякова 2000:6) деган фикрини келтириб, ўз рисоласида ҳам бу масаланинг ечимини излаш нияти қўзланмаганини, асосий мақсад дискурс ҳодисасига аниқ таъриф бериш әмас, балки унинг моҳиятини ва таркиб топишини белгиловчи хусусиятларини ёритиш эканлигини таъкидлайди.

Прагматиканинг асосий тадқиқ обьекти – дискурсdir ва прагматик таҳлил дискурснинг таркибий қисмлари бўлган контекст, вазият, дейксис, пресуппозиция, мулоқот иштироқчиларининг этикет меъёрларидан хабардорлиги ҳамда ахборотнинг новербал, паралингвистик узатилиши кабиларни қамраб олади.

Нутқий мулоқотнинг прагматик хусусиятларини англаш, ўрганиш, уни чуқур тадқиқ этиш тилшунослар билан бирга бошқа ижтимоий ва аниқ фанлар бўйича мутахассислар учун ҳам бирдек қизиқ вазифага айланиб бормоқда. Бугунги кундаги фалсафий прагматизм оқим сифатида тилшуносликка кириб келишида америкалик олим Ч.С.Пирснинг алоҳида

² Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск, ЧГКИ, 2018, – 315 с.; Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – 318 б.; Ашурова Д.У. Стилистические и прагматические аспекты словаобразования английского языка: Дисс... кан. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 405 с.; Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002. – 37 б.; Пардаев А. Дискурсив юкламаларнинг прагматик вазифаси хусусида // Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба, технология. Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2014. – Б. 197-200; «Дискурсив юкламалар» ҳақида // Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзФА, 2014. – Б.271-272; Дискурсивные маркеры в узбекском языке // Дискурсология: язық, культура, общество: материалы XIII Международной научной конференции. – Луганск: ЛНУ, 2014. –С.81-91; Дискурс ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТошДЎТАУ, 2016. – Б.49-51; Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқики: филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Т.: 2012.; Диалогик дискурсда миллый ментал омилларнинг намоён бўлиши // “Амударё” журнали, № 5. 2010. – Б. 125-128; Dialogical discourse as an environment in which a polypredictive unit is implemented. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (83), 451-457; Диалогический дискурс как среда, в которой реализуется полипредикативная единица // Theoretical & Applied Science. № 3. 2020. – С. 451-457; Diyalojik diskursa sosyal mental ve pragmatik etkenler // Turkiy tilda so‘zlashuvchi xalqlar qurultoyi. – 2017; Диалогик дискурс босқичлари ва уларнинг шаклланиши // Дунёвийлик ва динийлик ёшлар нигоҳида. 2010. – Б. 68-72; Бадиий ва санъат асарларида маданий нутқ орқали миллый ментал омилларнинг ифодаланиши. Монография. – Тошкент: Инновация- зиё, 2019; Нормуродова Н.З. Вербалъная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе. Автореф. дисс.д.ф.н.– Т., 2020. – 81 с.; Verbal explication of discursive personality in the light of antropthentrism // ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal Vol. 10 Issue 12, December 2020; Одилова Г. К. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти Автореф. Филол. фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2020. – 80 б.

³ Турниёзов Н. Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар // Хорижий филология. № 4, 2016 йил. – Б. 10-13.

⁴ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 318 б. – Б. 236-237.

таъсири бўлгани ҳолда мазкур фалсафий тизимнинг асосий ғояси семиотик белгининг (жумладан лисоний белгининг ҳам) маъно-мазмуни берилган белги воситасида бажарилаётган ҳаракатнинг самараси, натижалари, муваффақияти билан боғлиқ ҳолда ўрганишга қаратилади⁵.

“Матн” ва “дискурс” тушунчаларини бир деб қараш ёки алоҳида тушунчалар сифатида тушуниш тилшунослар эътиборида бўлиб келган. Тилшуносликда “матн” ва “дискурс” талқин қилинишининг муракқаблиги юзасидан ҳалигача аниқ бир фикрга келинган эмас. Мазкур икки тушунча бир-бирига ўхшаш ва боғлиқлиги ёки алоҳида ҳодиса эканлигини аниқлаш тилшунос олимларнинг маҳсус изланишини талаб қиласди. Матн ва нутқ тушунчаларига изоҳ бера туриб, замонавий тадқиқотчилар, тил материаллари сифатида матн ҳар доим ҳам изчил нутқ, яъни дискурс эмас, деб таъкидлашган.

Матннинг турғун, тайёр маҳсулот, дискурсни эса кечеётган нутқий мулоқот жараёни сифатида талқин қилиниши уларнинг қескин фарқланишига сабаб бўлади. Олим Ш.Сафаров таърифича, сўзиз, “дискурс” “матн”га нисбатан кенгроқ мазмунда талқин қилинмоғи керак. Ҳа, дискурс – бир пайтнинг ўзида ҳам лисоний фаолият жараёни, ҳам унинг маҳсулидир.

Дискурсив фаолият моҳиятан билим (маълумот) бериш ҳамда янги билимни шакллантирувчи ҳодисадир. Билим узатилиши ва янгидан шаклланиши учун эса матн яратилмоғи даркор, демак, матн дискурсив фаолият кечеётган пайтнинг ўзидаёқ яратила бошлайди. Маъқули, қиёсланаётган бу икки ҳодисани “гипероним” – “гипоним” муносабатида ўрганишдир. Дискурс инсон онгли фаолиятининг маълум бир тури, туркуми бўлса, матн унинг бир кўринишидир. Дискурс категориясининг бу хилдаги кенг маънода, умумлаштирувчи мазмунда талқин қилиниши мулоқот тизими, инсон онгли фаолияти билан қизиқувчи бошқа фан соҳалари – фалсафа, социология, психология, кибернетика кабилар учун аллақачонлар эътироф этилган қоидадир⁶.

Мулоқот жараёнида юзага келадиган лисоний бирликлар билан бир қаторда нолисоний (прагматик, руҳий, ижтимоий-маданий) омилларни ўрганишга бўлган қизиқиш тилшуносликда “дискурс” атамасини кенгроқ ўрганилишга олиб келди ва дискурс лингвистика билан бир қаторда социология, культурология, педагогика, прагмалингвистика, психолингвистика ва юриспруденсия соҳаларининг ҳам ўрганиш обьектига айланди.

Юридик дискурс бўйича тадқиқот олиб борган тадқиқотчи Н.Жуманиёзова⁷ юридик дискурс институционал дискурс турларидан бири эканлигини, суд тузилмалари (масалан, суд залида), қонунларни белгилайдиган ҳуқуқий матнлар, шунингдек, юрист ва мижоз ўртасидаги мулоқотни ўз ичига олишини таъкидлайди. Ушбу соҳа фан сифатида аниқлик ва тўғри фикрлиликни талаб қиласди. Норматив ҳужжатларда маълумот қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши зарур. Акс ҳолда, ноаниқлик қонундаги бўшлиқ сифатида талқин қилиниши мумкин. У юридик дискурс ўз ичига барча юридик ва қонунчилик доирасидаги нутқий ҳаракатларни қамраб олишин таъкидлайди.

⁵ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 37-38.

⁶ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – 318 б. – Б. 249

⁷ Jumaniyozova N. Yuridik diskurs lingvistik tadqiqot obyekti sifatida // “Сўз санъати” халқаро журнали. 4-жилд 1-сон. – Тошкент, 2021. – Б. 184-187.

Ш.Гулямованинг диссертацияси⁸да ўзбек ва инглиз тилларидағи материаллар асосида монологик дискурсдаги қўшма гапларнинг социопрагматик талқини ўз ифодасини топган. Муаллиф монологик дискурснинг талқини, унинг ўрганилаётган муаммога тегишли қирраларини ойдинлаштириб, монологик дискурснинг ўзбек ва инглиз тилшуносликлидаги моҳиятини асослаган. Ўзбек ва инглиз тилларида қўшма гапларнинг синтактика-семантика мазмунини монологик дискурсдаги матнлар орқали қиёслаб, дискурсив таҳлилда намоён бўладиган монологик матнларнинг социал-ментал тавсифини берган. Бундан ташқари, ишда монологик дискурсда прагматик омилларнинг роли ва ўрни аниқланиб, нутқий интенция тавсифланиб, монологик дискурсив жараён босқичларида қўшма гапларнинг ўрни ва мақоми аниқланган.

Айрим ишларда⁹ дискурсларда паремик бирликларнинг қўлланиши ҳақида мулоҳазалар акс этган. Унда мақол ва ҳикматли сўзларнинг когнитив-дискурсив вазифалари аниқланган. Дискурсив таҳлил – бу паремияларнинг маъноси ва когнитив функцияларини мураккаб талқин қилиш ва уларнинг дискурсив вазиятнинг кенг контекстига асосланган модификацияларини ўз ичига олади.

“Монологик дискурснинг бадий матнда қўлланилиши”¹⁰ борасидаги мақолада дискурс ва унинг замонавий тилшуносликда тутган ўрни, ўрганилиш тарихи ва лингвистик хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, дискурс ва унинг турлари, бадий матнда қўлланилишига оид хусусиятлари ва даражалари батафсил ёритиб берилган.

“Дискурс”ни изоҳлашга бўлган турлича ёндашувлар”¹¹ мақоласида замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири бўлган дискурс масаласи ёритиб берилган. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида изоҳланани билан характерланиши таҳлил этилган.

Н.Хурсанов¹² тадқиқоти ўзбек ва инглиз тилларидағи асарлар мисолида драматик дискурсда вербал ва новербал компонентлар муносабати масаласи тадқиқига бағишлиланган. Тадқиқотчи инглиз ва ўзбек тилларида вербал ҳамда новербал компонентларнинг синтактика-семантика моҳиятини драматик дискурсдаги матнлар мисолида қиёслаган, драматик дискурсда прагматик омилларнинг мавқеини тавсифлаган, драматик дискурсда прагматик омилларнинг ролини кўрсатган. Драматик дискурсдаги нутқий интенцияни тавсифлаб, нутқий интенциянинг ифодаланишида вербал ва новербал компонентларнинг мавқеи масаласини ёритиб, драматик-дискурсив системанинг шаклланиши ва хусусиятларини аниқлаган.

⁸ Гулямова Ш. Монологик дискурсдаги қўшма гапларнинг социопрагматик талқини (ўзбек ва инглиз тилларидағи материаллар асосида): Филол.фанл.бўйича фалсафа док-ри дисс...ав-ти. – Тошкент, 2022. – 58 б.

⁹ Асронова М. Паремик бирликларнинг нутқда қўлланиши // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 11 | 2021 ISSN: 2181-1385. – Р. 378-381.

¹⁰ Гулямова Ш. Монологик дискурснинг бадий матнда қўлланилиши // <https://aza.uz/posts/354675>

¹¹ Абдуназорова Н. “Дискурс”ни изоҳлашга бўлган турлича ёндашувлар // ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021 ISSN: 2181-1385. – Р. 1196-1200.

¹² Хурсанов Н. Драматик дискурсда вербал ва новербал компонентлар муносабати (ўзбек ва инглиз тилларидағи асарлар мисолида) //

У.Буриева¹³ эса ўзбек ва инглиз тиллари мисолида дискурсив таҳлилда воқеланган тўлиқсиз гаплар ва уларнинг социопрагматик хусусиятларини ўрганган. Муаллиф дискурсда тўлиқсиз гапларнинг семантиқ ва структур хусусиятларини ёритиб берган.

“Дискурс тушунчаси ва унинг тадқиқи”¹⁴ мақоласида дискурс тушунчаси, унинг келиб чиқиши, турли соҳаларда уни ўрганишга бўлган турлича ёндашувлар, ғарб ва шарқ олимларининг дискурс тушунчасини тадқиқ этиш борасидаги хулосалар ҳамда ҳозирги заман бадиий дискурсининг аҳамияти ва турларининг баёнотини ўз ичига олади.

“Сиёсий дискурс дунёнинг концептуал тасвири сифатида”¹⁵ деб номланган кичик тадқиқотда сиёсий дискурс ва унинг ўзига хос хусусиятлари, унга боғлиқ бўлган таҳлил турлари ёритилган. Шунингдек, сиёсий дискурс иштироқчилари ва мулоқот жараёнида уларнинг делимитацияга олиниши ҳам ўрганилган. Муаллиф шундай ёзади: “Сиёсий нутқ” айнан нима? Бу борада барчанинг хаёлига энг осон ва умумий ҳолатда бир фикр келади. Сиёсий нутқ муаллифлар, яъни сиёсатчилар томонидан ижро этилади ёки уларнинг нутқлари сиёсий дискурс сифатида белгиланади. Дарҳақиқат, сиёсий тадқиқотларнинг катта қисми профессионал сиёсатчилар ёки сиёсатчиларнинг матнларини ўз ичига қамраб олади. Президент, бош вазир ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари, парламент ёки сиёсий партиялар, ҳам маҳаллий, ҳам миллий ва халқаро даражадаги бошқарув органларига тегишли бўлган нутқ шаклларига таянган ҳолда олиб борилади”. Кўринадики, муаллиф дискурсни нутқ билан синоним сифатида қўллайди.

Тадқиқотчи F.Мирсанов дискурс атамасини қуйидаги маъноларда қўллаган:

1. Сўз муқобили.
 2. Тил бирликлари танлови.
 3. Нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири.
 4. Суҳбат.
 5. Нутқда сўзловчи позицияси.
 6. Лингвистик бирликлардан фойдаланиш.
 7. Матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилма¹⁶.
- Муаллиф дискурсни кенг доирада тушунган ва таҳлил этган. Демак, дискурс – бу тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланилиши, уларнинг изчил боғланишидир.

Англашиладики, прагмалингвистика ва когнитив тилшуносликда дискурс асосий аҳамият касб этадиган масалалардан биридир. Дискурс кўп қиррали ҳодиса, экстравалингвистик омиллар билан уйғун, кишиларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг онгли механизмларининг таркибий қисми сифатидаги нутқ шаклидир. Таъкидлаш жоизки, дискурс ифодалайдиган маъно турли хиллиги сабабли, дискурснинг барча ҳолатларини қамраб оладиган бирор бир аниқ ва умумий тан олинган таъриф мавжуд эмас.

¹³ Буриева У. дискурсив таҳлилда воқеланган тўлиқсиз гаплар ва уларнинг социопрагматик хусусиятлари (ўзбек ва инглиз тиллари мисолида): Филол.фан.бўйича фал.д-ри дисс. – Тошкент, 2022.

¹⁴ Ablakulova O. Diskurs tushunchasi va uning tadqiqi // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 11 | 2021 ISSN: 2181-1385

¹⁵ Убайдуллаева М. SIYOSIY DISKURS DUNYONING KONSEPTUAL TASVIRI SIFATIDA // "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal Volume 3 Issue 1 / March 2022. – Б. 750-753.

¹⁶ Мирсанов F. Ўзбекистонда прагмалингвистика тараққиёти // Хорижий филология. – Тошкент, 2016. № 3. – Б. 78.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. АБДУЛЛАЕВА М., АБДУРАШИДОВ М., АБИЛОВ У. ФАЛСАФА ҚИСҚАЧА ИЗОХЛИ ЛУҒАТ. – Тошкент: ШАРқ, 2004. – Б. 126.
2. Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск, ЧГКИ, 2018, – 315 с.; Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – 318 б.;
3. Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд: Самарқанд нашри, 2002. – 37 б.
4. Пардаев А. Дискурсив юкламаларнинг прагматик вазифаси хусусида // Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба, технология. Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2014. – Б. 197-200.
5. «Дискурсив юкламалар» ҳақида // Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзФА, 2014. – Б.271-272.
6. Дискурсивные маркеры в узбекском языке // Дискурсология: язык, культура, общество: материалы XIII Международной научной конференции. – Луганск: ЛНУ, 2014. – С.81-91.
7. Дискурс ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТошДЎТАУ, 2016. – Б.49-51.
8. Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқики: филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Т.: 2012.
9. Диалогик дискурсда миллий ментал омилларнинг намоён бўлиши // “Амударё” журнали, № 5. 2010. – Б. 125-128.
10. Dialogical discourse as an environment in which a polypredictive unit is implemented. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (83), 451-457.
11. Диалогический дискурс как среда, в которой реализуется полипредикативная единица // Theoretical & Applied Science. № 3. 2020. – С. 451-457.
12. Diyalojik diskursa sosyal mental ve pragmatik etkenler // Turkiy tilda so‘zlashuvchi xalqlar qurultoyi. – 2017; Диалогик дискурс босқичлари ва уларнинг шаклланиши // Дунёвийлик ва динийлик ёшлар нигоҳида. 2010. – Б. 68-72.
13. Бадиий ва санъат асарларида маданий нутқ орқали миллий ментал омилларнинг ифодаланиши. Монография. – Тошкент: Инновация- зиё, 2019.
14. Нормуродова Н.З. Верbalная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе. Автореф. ... дисс.д.ф.н.– Т., 2020. – 81 с.
15. Verbal explication of discursive personality in the light of antrophentrism // ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal Vol. 10 Issue 12, December 2020.
16. Одилова Г. К. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти Автореф. Филол. фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2020. – 80 б.
17. Турниёзов Н. Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар // Хорижий филология. № 4, 2016 йил. – Б. 10-13.
18. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 318 б. – Б. 236-237.
19. TIBBIY XODIMNING KICHIK YOSHLI BEMORLAR MULQOTINI PSIXOLINGVISTIK JIHATDAN TADQIQ ETISH BG LATIBJONOVNA - International Journal of Philosophical Studies and ..., 2022.
20. ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ТИББИЙ НУТҚ МАЛАКАСИ ТАВСИФИ BG Latibjonovna - International Journal of Philosophical Studies and ..., 2022.